

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.04/30.12.2019.ТІВ.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ПРИМАКО ВЛАДИМИР ИВАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УНИВЕРСАЛ АУДИОЛОГИК
СКРИНИНГ ВА ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН
ЧАҚАЛОҚЛАРДА УЗЛУКСИЗ МОНИТОРИНГ ТИЗИМИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ**

**14.00.09 - Педиатрия
14.00.33 – Жамоат саломатлиги. Соғлиқни сақлаш менеждменти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSC) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Примако Владимир Иванович

Ўзбекистон Республикасида универсал аудиологик скрининг ва эшитиш қобилиятида нуқсонли бўлган чақалоқларда узлуксиз мониторинг тизимини ташкил этиш..... 3

Примако Владимир Иванович

Организация универсального аудиологического скрининга и системы непрерывного мониторинга новорожденных с нарушением слуха в Республике Узбекистан..... 35

Primako Vladimir Ivanovich

Organization of Universal Audiological Screening and a Continuous Monitoring System for Newborns with Hearing Impairment in the Republic of Uzbekistan..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 67

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.04/30.12.2019.ТІВ.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ПРИМАКО ВЛАДИМИР ИВАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УНИВЕРСАЛ АУДИОЛОГИК
СКРИНИНГ ВА ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН
ЧАҚАЛОҚЛАРДА УЗЛУКСИЗ МОНИТОРИНГ ТИЗИМИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ**

**14.00.09 - Педиатрия
14.00.33 – Жамоат саломатлиги. Соғлиқни сақлаш менеджменти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1. DSc/Tib1009 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар: **Иноятова Флора Илясовна**
тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси академиги

Ризаев Жасур Алимджанович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Агзамова Шоира Абдусаломовна**
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдурахимов Зоҳид Абдувасикови
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Арифов Сайфутдин Саидазимович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Санкт-Петербург қулоқ, томоқ, бурун ва нутқ илмий-тадқиқот институти" номли федерал давлат бюджет муассасаси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223. Тел./факс: (+99871) 262 33 14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223. Тел./факс: (+99871) 262 33 14; e-mail: mail@tashpmi.uz.

Диссертация автоферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.А. Акрамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш қошидагидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...туғма карлик (кулоғи оғирлик) кенг тарқалганлиги қайд этилади, жумладан, 1000 та болага 0,8 дан 15,5 гача, популяция бўйича ўртача – 1000 та янги туғилган чақалоққа 2-4 та, ривожланган мамлакатларда эса икки томонлама эшитиш қобилияти пасайишининг тарқалганлиги 1000 та туғилиш ҳолатига 1,33 ҳолатни ташкил этади»¹. Умумий адабий манбаларга кўра Марказий Осиё, Европа ва АҚШ мамлакатларида (АҚШ, Канада, Япония, Англия, Германия, Россия, Қозоғистон ва бошқалар) туғма карлик кенг тарқалганлиги қайд этилади – 1000 болага 0,8 дан 15,5 гача, оммавийлиги бўйича ўртача – 1000 та янги туғилган чақалоққа 2-4 та, ривожланган мамлакатларда эса икки томонлама эшитиш қобилияти пасайишининг тарқалганлиги 1000 туғилиш ҳолатига 1,33 ҳолатни ташкил этади. АҚШда 1000 туғилган боладан 5 таси икки томонлама карлик ёки ўртача ва оғир даражадаги эшитиш қобилияти пасайиши билан туғилган, 2012 йилда туғилган болалар гуруҳида эса бир томонлама ва икки томонлама эшитиш заифликлари (35 дБ дан юқори) 1000 болага 1,6 ҳолатда қайд этилган. Англияда эса 2012 йилда туғилган болалар гуруҳида 40 дБ дан юқори икки томонлама эшитиш қобилияти пасайишининг тарқалганлиги 1000 нафар болага 1,0 ҳолатни ташкил қилган. Россияда янги туғилган чақалоқлар ва 1 ёшгача бўлган болалар орасида туғма эшитиш қобилияти пасайишининг тарқалганлиги 1000 та янги туғилган чақалоққа 2,5 та ҳолатни ташкил қилади. Қозоғистон Республикасида 3 ёшгача бўлган болалар орасида карлик 1000 та боладан 3-4 тасида аниқланган, хавф гуруҳи контингенти – янги туғилган чақалоқлар патологияси бўлимларида бўлган болалар орасида эса бу кўрсаткич 1000 та болага 30-40 тага етиши мумкин². Эшитиш патологияси одатда ота-оналар томонидан бола 2-3 ёшлигида, яъни улар болада нутқ ривожланмаганлиги ва нутқ товушларига жавоб бермаслигига эътибор берилганида аниқланади. Бироқ, бу ёш кеч ҳисобланади, натижада эшитиш ва нутқ ривожланиши учун зарур бўлган даволаш ҳамда реабилитация чоралари кечикади³. Буларнинг барчаси эшитиш билан боғлиқ нуқсонларни эрта босқичда аниқлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш заруратини тақозо этади, чунки айнан шу босқичда нутққача бўлган абилитация самарали ҳисобланади.

¹ World Health Organization. (2020). Deafness and Hearing Loss WHO Key Facts. Retrieved from <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/deafnessand-hearing-loss>.

² Vohr B.R. Screening the newborn for hearing loss //UpToDate. -2021.-<https://clck.ru/U9eco>.; 7.Гарбарук Е., Королева, И. Аудиологический скрининг новорожденных в России: проблемы и перспективы // ФГБУ «Санкт-Петербургский научно-исследовательский институт уха, горла, носа и речи. 2023-<https://lornii.ru/upload/iblock/4d9/audioscrining>; Медеулова А.Р., Ташпагамбетова Н., Кошербаева Л.К., Нурбакыт А. Анализ аудиологического скрининга детей в Республике Казахстан // Medicine (Almaty). – 2016.- No 12 (173). -P. 43-45

³ WHO: Childhood hearing loss//Geneva: World Health Organization; 2021- <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/deafnessand-hearing-loss>

Дунё бўйлаб янги туғилган чақалоқларда эшитиш қобилияти нуқсонларини эрта босқичда аниқлашга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқот ишларида чақалоқлар, кичик ёшдаги ва мактаб ёшидаги болаларда эшитиш қобилияти нуқсонларини эрта аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган миллий режалар, шунингдек эшитиш қобилияти йўқолишининг асосий сабабларининг олдини олиш ва назорат қилиш дастурлари тақдим этилган. 2012 йилда бундай сиёсат фақат 32 та давлатда амалга оширилган, ЖССТ эса болаларда эшитиш билан боғлиқ эпидемиологик ва бошқа маълумотлар етишмаслигидан афсусда эканлигини билдирди⁴. Шунда 2021 йилнинг март ойида ЖССТ биринчи марта эшитиш бўйича Умумжаҳон ҳисоботини эълон қилди, унда жаҳон бўйлаб эшитиш қобилияти йўқотилиши билан боғлиқ эпидемиологик ва молиявий маълумотлар умумлаштирилиб, «инсонга йўналтирилган интеграциялашган ёндашув»га эришиш учун иқтисодий жиҳатдан самарали ечимлар тақлиф қилинган (IPC-ENC). Турли давлатларда амалда бўлган Эшитиш қобилияти скрининги дастурлари сифати, маълумотларни тўплаш ва эшитиш қобилияти нуқсонлари мавжуд болаларга хизмат кўрсатиш имкониятлари жиҳатидан сезиларли даражада фарқ қилади. Шу муносабат билан ЖССТнинг 2021 йилги Умумжаҳон ҳисоботида 2030 йилга қадар эшитиш қобилияти скрининги қамровини самарали равишда 20% га ошириш зарурлиги қайд этилган. Хусусан, «... қамрови 50% дан кам бўлган мамлакатлар уни камида 50% га етказишга интилиши, қамрови 50-80% бўлган мамлакатлар нисбий кўрсаткични 20% га ошириши, қамрови 80% дан юқори бўлган мамлакатлар эса умумий қамровга эришишга интилиши лозим. Янги туғилган чақалоқларда эшитиш қобилияти скрининги амалга оширилаётган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 95% ёки ундан юқори бўлиши керак...»⁵.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳоли ўртасида эшитиш нуқсонларини бартараф этиш ва олдини олиш борасида, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартлари талабларига мос равишда ривожлантириш ва мослаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда «...мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва ундан фойдаланиш имкониятини ошириш, шу жумладан эрта ташхис қўйиш ва кулоқ ва эшитиш нуқсонлари касалликларининг юқори технологияли даволаш усулларини жорий этиш...» устувор вазифа ҳисобланади.⁶

⁴ Hearing screening: considerations for implementation // Geneva: World Health Organization; 2021. Licence: CC BY-NC-SA 3.0 IGO. <https://inlnk.ru/WMUe>; Heidari S, Olyae Manesh A, Rajabi F. The sensitivity and specificity of automated auditory brainstem response and otoacoustic emission in neonatal hearing screening: a systematic review // Aud Vestib Res. -2021.-24(3): 141-151.

⁵ Medicine Net - Newborn Infant Hearing Screening // 2021- <https://clck.ru/UCN5X>

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 01.08.2023 йилдаги ПҚ-255-сон «Оториноларингология хизматини такомиллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПФ-216-сонли «2022—2026 йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони⁷, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 26 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт муассасаларида болаларда туғма ва орттирилган эшитиш патологияларини эрта ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 262-сонли буйруғи, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁸. Эшитиш қобилиятининг универсал ва комбинацияланган скрининг тизимини ташкил этиш ва самарадорлигини баҳолашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ҳузуридаги Кўзи ожизлик ва кар-соқовликнинг олдини олиш, ногиронлик ва реабилитация бўйича гуруҳ, инфекцион бўлмаган касалликлар, ногиронлик, зўравонликка қарши кураш ва жароҳатланишнинг олдини олиш бўйича департаменти (ЖССТ, Женева, Швейцария); The International Newborn and Infant Hearing Screening (NIHS) Group; American Academy of Audiology (AAA), American Speech-Language-Hearing Association (ASHA); Department for Phoniatics and Paedaudiology University Hospital Münster (TU Munich, Germany); Institute for Real-Time Computer Systems (TU Munich, Germany); National Institute of Sensory

⁷ УП № 216 от 25.04.2022г: «2022 — 2026 Йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»

⁸ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.who.int/>; <https://www.audiology.org/>; <https://www.asha.org/>; <https://www.ukm.de/kliniken/phoniatry-paedaudiologie>; <https://portal.fis.tum.de/en/organisations/chair-of-real-time-computer-systems-tueircs>; <https://tokyo-mc.hosp.go.jp/>; <https://www.kamio.org/>; <https://www.infanthearing.org/>; <https://www.fmba.gov.ru/>; <https://otolar-centre.ru/>; <https://www.sechenov.ru/>; <https://nrchd.kz/>; <https://tma.uz/>; <https://old.pediatrya.uz/>

Organs, National Hospital Organization (Germany), Tokyo Medical Center, Audiology Clinic, Kamio Memorial Hospital (Tokyo, Japan); Эшитиш қобилиятини баҳолаш ва бошқариш Миллий маркази, Юта штати университети, Логан (АҚШ), Россия Федерациясининг Федерал тиббий-биологик агентлиги, «Оториноларингология илмий-клиник маркази» Федерал давлат муассасаси (Россия), И.М. Сеченов номидаги Давлат тиббиёт университети (Москва, Россия), Соғлиқни сақлашни ривожлантириш Республика маркази (Остона, Қозоғистон), РИПИАТМ – Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази (Тошкент, Ўзбекистон) томонидан олиб борилган.

Бутун дунё бўйлаб болалардаги эшитиш қобилияти нуқсонларининг клиник-диагностик тадқиқот усулларини такомиллаштириш (Германия); болаларда эшитиш қобилияти нуқсонларининг юқори ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ўрганишга (Юта штати университети, Логан, АҚШ) қаратилган бир қатор илмий натижаларга эришилди. Ўз вақтида ташхис қўйилмаслиги натижасида эшитиш қобилиятида нуқсон бор болалар сонининг кўпайиши педагогик эътиборсизлик, ушбу болаларнинг психологик-нутқий ривожланиши ва ижтимоий интеграция жараёнининг бузилиши, уларнинг умрбод ногиронлигига олиб келиши кўрсатиб ўтилган (Оториноларингология илмий-клиник маркази, Россия); эшитиш қобилияти скринингини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича эришилган муваффақиятларга қарамай, унинг универсаллиги, яъни янги туғилган чақалоқларнинг 95% ни тўлиқ қамраб олишга ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди (Соғлиқни сақлашни ривожлантириш Республика маркази, Остона, Қозоғистон). Болаларда эшитиш қобилияти нуқсонларини эрта аниқлаш ва даволаш бўйича турли мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай дастурларнинг узок муддатли муваффақиятга эришиши учун қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ушбу соҳада қонунчилик базасининг мавжудлиги устувор аҳамият касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Янги туғилган чақалоқларда эшитиш қобилияти скрининги дастурларининг глобал ҳолатини баҳолаш учун дунёнинг 158 мамлакат тажрибаси таҳлил қилинди. Аниқланишича, дунё мамлакатларининг 38% да янги туғилган чақалоқлар ва гўдакларнинг эшитиш қобилияти скрининги умуман ўтказилмаган ёки минимал даражада амалга оширилган, фақат 33% мамлакатларда эса камида 85% болалар қамраб олинган. Ушбу мамлакатлар қаторига Германия, Англия ва АҚШ киради.

МДХ ва Марказий Осиёда кўплаб тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, уларнинг натижалари шуни кўрсатадики, эшитиш қобилияти универсал скринингини жорий этиш етарлича мураккаб ва меҳнат талаб қилувчи, бевосита давлат иштирокини талаб этувчи жараён ҳисобланади (Медеулова А.Р. ва ҳаммуаллифлар., 2016; Кудайбергенова С.Ф., 2016;

Салпинов Ж.Л. ва ҳаммуаллифлар, 2021). Агар скрининг камида 90% контингентни қамраб олмаса, уни универсал деб ҳисоблаб бўлмайди (World Health Organization, 2020). Мавжуд адабиётлардаги маълумотларга кўра, турли мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, скринингни ташкил этиш ва уни мониторинг қилиш бўйича мавжуд дастурларда универсал ёндашувлар етишмайди (Иманова Ж., Айнекова Ж., Тулепбекова Н., 2019; Yueh B., Piccirillo J.F., 2021; Vohr B.R., 2021). Шу билан биргаликда скрининг методологиясини танлаш, уни ўтказиш, шу жумладан, турдош мутахассисларни жалб қилган ҳолда эшитиш қобилиятида нуқсон бор болаларни диспансер рўйхатига олишни ташкил этиш ва кузатиш муддатлари бўйича тавсиялар беришда қарама-қаршилиқлар мавжуд; турли мамлакатларда скрининг дастурлари иерархияси ва жараёни ташкил этиш ва бошқариш тизими, аудиолог ва сурдопедагоглар штат бирликларини режалаштириш, кадрларни тайёрлаш тизими ҳамда уларга бўлган эҳтиёжни режалаштиришда катта фарқлар ажралиб туради; эшитиш қобилияти бўйича ногиронларни қўллаб-қувватловчи ташкилотларни молиялаштириш ҳажми ва кадрлар эҳтиёжини режалаштириш бўйича ягона ёндашув шакллантирилмаган (Vas V.F., 2017; Varadarajan V.V. et al., 2021).

Соғлиқни сақлаш тизимларининг турли мамлакатлардаги хусусиятларидан қатъи назар, ЖССТ универсал «бир-уч-олти» қоидаси қатъий бажарилишини тавсия қилади. Яъни, эшитиш қобилияти скрининги болада 1 ойлик бўлгунча ўтказилиши, ташхис 3 ойлик бўлгунча тасдиқланиши ва тиббий ёрдам 6 ойлик бўлгунга қадар кўрсатилиши лозим. Агар эшитиш қобилиятида нуқсон бор болага эрта босқичларда тиббий ёрдам кўрсатилмаса, натижада бутун умр давомида когнитив, эмоционал-ҳиссий ва психологик-ижтимоий нуқсонлар кузатилиши мумкин. Бугунги кунда ушбу соҳада тўпланган тиббий тажриба ва янги технологияларнинг ривожланиши туфайли эшитиш нуқсонларини энг эрта босқичларда аниқлаш ва муваффақиятли даволаш имконияти мавжуд (World Health Organization, 2020).

2014 йилгача Ўзбекистонда 7 ёшгача бўлган болалар учун диагностика ва даволаш-реабилитация имкониятлари бутунлай мавжуд эмас эди. Ўша вақтда қўлланилган тадқиқот усуллари субъектив хусусиятга эга бўлиб, катталар учун ишлаб чиқилган аудиометрларни болалар учун мослаштиришга уриниш муваффақиятсиз яқунланган ва ишончли диагностика натижаларини бермаган. Болаларда, хусусан, янги туғилган чақалоқларда эшитиш патологиясини скрининг қилиш бўйича диагностик ҳамда шунга мувофиқ даволаш-реабилитация тадбирлари мавжуд эмас эди. Шу билан бирга, ушбу йўналишда далилларга асосланган, тиббиёт талабларига жавоб берадиган, яъни олинган натижаларнинг ишончлилик даражаси юқори бўлган илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилмаган. Фақат эшитиш қобилиятида нуқсон бор болаларда

айрим кузатувлар ўтказилган бўлиб, ушбу кузатувларда нуқсонларнинг жуда кеч аниқлангани ва мавжуд психологик-нутқий ривожланиш кечикиши шароитида кўрсатилган ёрдамнинг самарадорлиги жуда паст экани аниқланган. 1999 йилда А.М. Ҳакимов томонидан олиб борилган тадқиқотда Ўзбекистонда 658 000 нафар бола текширилиб, улардан 13 867 тасида эшитиш нуқсонлари аниқланган. Ушбу болалар вилоят ва шаҳар сурдологик кабинетларида ҳамда Республика эшитиш ва нутқни реабилитация қилиш марказида текширувдан ўтказилган. Шунингдек, эшитиш қобилияти заиф ва қар болалар учун мўлжалланган махсус муассасаларда таълим олаётган болалар ҳам текширувдан ўтказилган. Бундан ташқари, Республика бўйлаб бошқа ЛОР-касалликлари бўйича ёрдам сўраб мурожаат қилган болалар ҳам ушбу тадқиқотга жалб қилинган. Аниқланган маълумотларга кўра, эшитиш қобилияти нуқсонларининг тарқалиш даражаси ҳар 1000 та болага 21 та ҳолат тўғри келган бўлиб, улардан 85,1% ҳолларда эшитиш қобилиятининг орттирилган нуқсонлари аниқланган. Орттирилган эшитиш нуқсонларининг 46,2% нейросенсор эшитиш қобилияти пасайиши, 53,8% эса кондуктив эшитиш қобилияти пасайиши кузатилган. Энг юқори кондуктив эшитиш қобилияти пасайиши Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида қайд этилган, бироқ ушбу ҳолатларнинг сабаблари муаллифлар томонидан ўрганилмаган. Туғма ва орттирилган эшитиш қобилияти пасайишининг даражалари баҳоланганда, 4 ёшгача бўлган болаларда эшитиш нуқсонлари 29,7% ни ташкил этгани, 4-7 ёш оралиғида бу кўрсаткич 43% га етгани, 8-15 ёш оралиғида эса 26% ни ташкил этиши аниқланган. Шунингдек, 3 ёшгача бўлган болалар орасида эшитиш қобилияти пасайишининг тарқалиш даражаси ҳар 1000 та болага 32,7 та ҳолат тўғри келган. Шайхова Х.Э. тадқиқот ишида эшитиш қобилияти пасайишига олиб келган омиллар сифатида интранатал ва перинатал омиллар кўрсатилади, 90% ҳолларда сенсоневрал эшитиш қобилияти пасайиши қайд этилгани кўрсатилган. 2014 йилда Ўзбекистон Республикасида эшитиш қобилиятида нуқсон бор кичик ёшдаги болалар учун реабилитация технологияларининг устувор йўналиши сифатида кохлеар имплантация бўйича Давлат дастури амалга оширила бошланган. Шу билан бирга, операция қилинган болаларнинг ёши 3,5 ёшдан 5 ёшгача ўзгариб турган, бу эса кеч аралашувни кўрсатади. Натижада, бу болаларга узоқ муддатли реабилитация талаб қилинган.

Эшитиш патологиясини диагностика қилишда сезиларли даражада ютуқларга эришилганига қарамай, ҳозирги кунгача туғилган барча болаларни тўлиқ қамраб оладиган, маълумотларни ҳужжатлаштириш ва сақлашнинг ягона база тизими, шунингдек, эшитиш қобилиятида нуқсон бор болаларни аниқлаш учун скрининг ўтказиш сифатини назорат қилиш ва мониторинг тизими мавжуд эмас (Shield B., 2019; Swami H., Ar A., Shivanand S. 2021). Бунда янги туғилган чақалоқлар учун универсал

эшитиш скрининги давлат учун иқтисодий жиҳатдан тўлиқ ўзини оқлаши аллақачон исботланган. Эшитиш бўйича Жаҳон ҳисоботида қайд этилишича, даромади паст ва ўртача бўлган мамлакатларда янги туғилган чақалоқларда эшитиш скринингига сарфланган ҳар бир доллар учун 1,67 халқаро доллар, юқори даромадли мамлакатларда эса 6,53 халқаро доллар миқдорида потенциал фойда келтириши мумкин. Бундан ташқари, касбий меҳнат қобилиятини йўқотишнинг олдини олиш натижасида йўқотилган йиллар – DALY (disability-adjusted life years) (эрта ўлим туфайли йўқотилган йиллар ва ногиронлик ёки касаллик туфайли ҳаёт сифати пасайиши йиллари йиғиндиси) даромади паст ва ўрта мамлакатларда ҳар бир киши учун 21 266 халқаро долларни ташкил қилади (Sagan A., McDaid D., Rajan S. 2020; Public Health England, 2021). Юқорида келтирилган далиллар Ўзбекистон Республикасида 94-96% янги туғилган чақалоқларни қамраб олган универсал аудиологик скрининг (УАС) тизимини жорий этиш, диагнозни верификация қилиш ва ёрдам кўрсатиш тизимини қамраб олган иерархик скрининг моделини ишлаб чиқиш, шунингдек, эшитиш қобилиятида нуқсонли бор болаларни доимий мониторинг қилиш тизимини шакллантириш зарурати ва долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши РИПИАТМ - Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режаси, шунингдек, қуйидаги Давлат дастурлари: «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги ПҚ-2133-сонли қарори билан тасдиқланган «Соғлом бола йили» Давлат дастури», шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 26 октябрдаги 262-сонли «Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт муассасаларида болаларда туғма ва орттирилган эшитиш патологияларини эрта диагностика қилиш ва даволаш тадбирларини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги буйруғи доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида янги туғилган чақалоқларда эшитиш қобилиятининг универсал скринингини жорий этиш мақсадида ташкилий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, шунингдек, кейинчалик бошқарув (менежмент) ва эшитиш саломатлигини узлуксиз мониторинг қилиш тизимини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эшитиш нуқсонлари бўлган болаларнинг кенгайтирилган аудиологик текширувга мурожаат қилиш ҳолати орқали эшитиш нуқсонларининг тез-тез учраб туриш частотасини аниқлаш ва эшитиш нуқсонлари бўлган болаларнинг илк мурожаат ёшининг ўртача кўрсаткичини белгилаш;

Тошкент шаҳридаги барча туғруқ муассасаларида ўтказилган янги туғилган чақалоқларнинг эшитиш қобилияти скрининги бўйича пилот

лойиҳа натижаларини ўрганиш ва скринингнинг сифат назорати кўрсаткичларини баҳолаш;

Тошкент шаҳрида ўтказилган эшитиш қобилияти скрининги пилот лойиҳаси натижалари асосида янги туғилган чақалоқлар эшитиш қобилияти скрининги методологияси ва йўналтириш самарадорлигини баҳолаш ҳамда уни универсал скрининг талабларига мувофиқлаштириш учун оптималлаштириш усулларини таклиф этиш;

скрининг босқичларида методологияни танлашда дифференциал ёндашувни фарқлаш ва қайта скрининг самарадорлигини максимал даражада ошириш ҳамда ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда янги туғилган чақалоқлар эшитиш қобилиятининг универсал скринингини ўтказиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

янги туғилган чақалоқларда эшитиш қобилиятининг универсал скрининги ўтказиш мақсадида маълумотларни тўплаш, сақлаш ва хужжатлаштириш учун техник жиҳозлар ва дастурий таъминотни танлашда дифференциал ёндашувни белгилаш;

янги туғилган чақалоқларда эшитиш қобилияти универсал скринингини ўтказиш самарадорлигини узлуксиз кузатиш ва эшитишда нуқсонли бўлган болаларни мониторинг қилишни ўз ичига олган адаптация қилинган модель асосида таҳлил қилинишини республика миқёсида баҳолаш;

янги туғилган чақалоқларнинг эшитиш қобилияти универсал скринингини амалга ошириш ва эрта реабилитация қилиш мақсадида миллий мутахассислар тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Тадқиқот объекти янги туғилган чақалоқлар, эшитиш қобилияти нуқсонлари тасдиқланган болалар, Ўзбекистонда 2013-2023 йилларда ўтказилган танлаб олинган, комбинацияланган ва эшитиш қобилияти универсал скрининги натижалари.

Тадқиқот предмети: эшитиш қобилияти нуқсонларини эрта аниқлаш муаммоси, скрининг сифати, бирламчи скрининг ва рескрининг методларининг сезгирлиги ва ўзига хослиги, скрининг трекингининг самарадорлиги.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мақсади ва ўз олдига қўйган вазифаларига эришиш учун эпидемиологик, клиник, инструментал усуллар ҳамда маълумотларни статистик жиҳатдан қайта ишлаш дастуридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда яратилган янги туғилган чақалоқлар эшитув скрининги бўйича мослаштирилган дастур яратилди, у узлуксиз мониторинг тизими орқали скрининг қамрови ва самарадорлигини ошириб, шунингдек эшитиш нуқсонининг бирламчи аниқланиш ёшини 4,6

ёшдан 3 ойга туширишга имкон берди, бу эса реабилитация салоҳиятини оширган;

илк бор бутун республика бўйлаб янги туғилган чақалоқларнинг эшитиш қобилияти универсал скрининги жараёнини мониторинг қилиш, унинг босқичлари ва сифатини онлайн режимда назорат қилиш ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш имконини берадиган мониторинг маркази ташкил этилган;

янги туғилган чақалоқлар эшитиш қобилиятининг универсал скрининги босқичларида биринчи марта эшитиш патологияси бўлган янги туғилган чақалоқлар логистикаси аниқлаган;

янги туғилган чақалоқларнинг эшитиш қобилияти скрининги методологиясини танлашда дифференциал ёндашувнинг фарқланиши аниқланди: бу отоакустик эмиссия маҳсулотини бузиб кўрсатиш усули бўлиб, бирламчи скрининг учун мос усул эканлиги билан аниқланади, чунки у 98,3% сезгирлик, 98,4% ўзига хослик ва 99,99% салбий натижанинг прогностик аҳамиятига исботланган;

янги туғилган чақалоқлар эшитиш қобилиятининг универсал скрининги учун биринчи марта янги туғилган чақалоқларни рақамли идентификациялашнинг ҳимояланган ноёб тизими яратилган;

илк бор янги туғилган чақалоқларнинг эшитиш қобилиятини универсал скринингдан ўтказиш бўйича республиканинг барча ҳудудларида мутахассисларни тайёрлаш тизими ишлаб чиқилган;

илк бор ўтказилган тадқиқотлар асосида аниқландики, ишлаб чиқилган мослаштирилган универсал эшитиш скрининги дастури бола ҳаётининг илк 3 ойи давомида тўлиқ аудиологик диагностикадан ўтказиб ва 6 ойлик даврдан реабилитация босқичларини бошладик, ҳамда кохлеар имплантация амалиётини 1 ёшгача бажаришга имкон килдик ва боланинг психологик-нутқий ривожланишини физиологик ёшига мос равишда таъминлаш имконини яратган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг барча туғруқ муассасаларида янги туғилган чақалоқларнинг эшитиш қобилиятини универсал скринингдан ўтказиш натижасида янги туғилган чақалоқларда эшитиш нуқсонлари ўз вақтида аниқланган ва бу эса ногиронликни камайтиришга ёрдам берган;

скринингнинг барча босқичларида QSCREEN аппаратидан фойдаланиш янги туғилган чақалоқ ҳақидаги маълумотларни стандартлаштирилган ҳолда киритишни таъминлаган, рақамлаштириш имконини яратган, хатоликлар ва маълумотлар такрорланишини бартараф этган, текширувнинг давомийлиги ва меҳнат сарфини камайтирган, бу эса аппарат билан ишлаш кўникмаларига ўқитилган ҳар қандай тиббий ёки техник ходимни скринер сифатида скрининг жараёнига жалб этиш имконини таъминлаган;

янги туғилган чақалоқларнинг эшитиш қобилиятини скрининг қилиш тизимини ташкил этиш ва уни жорий этиш янги туғилган чақалоқларнинг эшитиш қобилиятини скрининг қилиш жараёнини ҳудудлар бўйича ўргатиш учун миллий тренерлар гуруҳини тайёрлаш орқали амалга оширилган: скрининг ўтказиш учун 15 нафар аудиолог, 227 нафар неонатолог, 454 нафар скринер-ҳамшираси ва 4 нафар скрининг мониторинги бўйича мутахассис тайёрланган, бу эса тизимнинг бутун республика бўйлаб болалар аудиология хизмати ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилишини таъминлаган;

скрининг босқичларида эшитиш патологиясига эга бўлган янги туғилган чақалоқларни кузатиш ва уларни бошқариш тактикаси босқичма-босқич ишлаб чиқилган, бу эса болаларни қайта скринингдан ўтказиш, ташхисни ўзгартириш ва юқори ихтисослашган ёрдамни ўз вақтида кўрсатиш муаммоси самарали ҳал қилинишини таъминлаган;

бутун республика бўйлаб эшитиш скрининги сифатини назорат қилувчи мувофиқлаштирувчи орган бўлган мониторинг тизими ташкил этилган, ушбу тизим янги туғилган чақалоқларнинг эшитиш қобилиятини универсал скрининг қилишнинг барча босқичлари ўз вақтида бажарилишини назорат қилган;

ҳар бир янги туғилган чақалоққа индивидуал QR-код ва ID рақамини бериш орқали эшитиш қобилияти скрининги жараёнининг рақамлаштирилган тизими ишлаб чиқилган, ушбу маълумотлар базасига фақат ёпиқ равишда (махфий) кириш имкони таъминланган ва босқичма-босқич амалга оширилган;

янги туғилган чақалоқлар эшитиш қобилияти универсал скрининг тизимининг мавжудлиги ва уни бошқариш эшитиш қобилиятида нуқсонли бор беморларнинг ижтимоий таъминоти учун давлат харажатларини қисқартирган, бу эса болалиқдан ногиронлик харажатларини камайтиришга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолаш учун объектив мезонларнинг қўлланилиши, замонавий диагностика ва даволаш усулларидан фойдаланиш, методологик ёндашувлар ва статистик таҳлил усулларининг тўғри қўлланилиши ҳамда диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал этиш усулларининг замонавий илмий-амалий тушунчалар, болаларда эшитиш нуқсонларини диагностика қилиш ва уларни комплекс даволаш, шунингдек, янги туғилган чақалоқларда эшитиш қобилияти универсал скринингини ўтказиш бўйича илғор ёндашувларга асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижасида Ўзбекистон Республикасида янги туғилган чақалоқларда эшитиш патологияси ҳақидаги тасаввурлар кенгайди, янги туғилган чақалоқлар эшитиш қобилиятининг универсал скрининги стратегияси учун

концептуал асослар ишлаб чиқилди, янги туғилган чақалоқлар эшитиш қобилиятининг универсал скринингини ташкил этиш ва амалга оширишдаги амалий муаммолар аниқланди ҳамда ҳудудий ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда уларни ҳал этиш усуллари таклиф этилди. Шунингдек, янги туғилган чақалоқлар эшитиш қобилиятининг универсал скрининги жараёнининг барча босқичларида штрих-кодлаш ва мониторинг ўтказиш самарадорлиги исботланди.

Тадқиқот иши натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, янги туғилган чақалоқлар эшитиш қобилияти универсал скринингининг таклиф этилган мослаштирилган дастури болаларда абилитацияни ўз вақтида бошлаш имконини беради, бу эса нутққа қадар – сўзлашувдан олдинги босқичда айниқса самарали бўлади. Шунингдек, янги туғилган чақалоқлар учун индивидуал QR-код ва ID рақамни яратиш орқали рақамлаштириш тизимининг жорий этилиши маълумотлар махфийлиги билан биргаликда тезкор идентификация ва маълумотлар ишончли назорат қилинишини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикасида универсал аудиологик скринингини ва эшитиш қобилиятида нуқсонли бўлган чақалоқларда узлуксиз мониторинг тизимини ташкил этиш асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор Ўзбекистонда яратилган янги туғилган чақалоқлар эшитув скрининги бўйича мослаштирилган дастур яратилган, у узлуксиз мониторинг тизими орқали скрининг қамрови ва самарадорлигини ошириб, шунингдек эшитиш нуқсонининг бирламчи аниқланиш ёшини 4,6 ёшдан 3 ойга туширишга имкон берди, бу эса реабилитация салоҳиятини оширган, Самарқанд вилояти болалар куп тармокли тиббиет марказига 2025 йил 5 апрелдаги № 59-4 буйруғи билан ва Хоразм вилояти болалар куп тармокли тиббиет марказига 2025 йил 10 апрелдаги № 107 буйруғи билан жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 20 июн 20-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* яратилган дастур эшитиш нуқсонига эга болаларда эшитиш ва нутқнинг ўз вақтида, физиологик ёшга мос ривожланишига хизмат қилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* эшитиш ва нутқни ривожланмаслик нуқсонли олдини олиш чоралари инвалидлик ҳолатларининг камайишига олиб келди ва ҳар бир беморга ҳар бир ишлатилган долларга 1,67 доллар қайтиб келган ва келажақда ҳар йилига 4500 евро-доллар тежаб қолади. *Хулоса:* 1 бемор ҳисобидан йилига 54 млн сум тежаб қолинади, факаткина бир йиллик инвалидлик тулов 11 млн 40 сум ҳар бир бемордан тежалади;

иккинчи илмий янгилик: илк бор бутун республика бўйлаб янги туғилган чақалоқларнинг эшитиш қобилияти универсал скрининги жараёнини мониторинг қилиш, унинг босқичлари ва сифатини онлайн режимда назорат қилиш ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш имконини

берадиган мониторинг маркази ташкил этилган, Самарқанд вилояти болалар куп тармокли тиббиет марказига 2025 йил 5 апрелдаги № 59-4 буйруғи билан ва Хоразм вилояти болалар куп тармокли тиббиет марказига 2025 йил 10 апрелдаги № 107 буйруғи билан жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 20 июн 20-сон хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** Бу эса эшитиш заифлигини аниқлашда 12% беморларни текширувдан “йуколиб” қолишини олдини олди. **Иқтисодий самарадорлиги:** эшитиш ва нутқни нуқсонни бор болаларни 12% камайтириб берди хар бир беморга хар бир ишлатилган долларга 1,67 доллар қайтиб келган ва келажакда хар йилига 4500 евро-доллар тежаб қолади. **Хулоса:** 1 бемор ҳисобидан йилига 54 млн сум тежаб қолинади, факаткина бир йиллик инвалидлик тулов 11 млн 40 сум хар бир бемордан тежалди;

учинчи илмий янгилик: янги туғилган чақалоқлар эшитиш қобилиятининг универсал скрининги босқичларида биринчи марта эшитиш патологияси бўлган янги туғилган чақалоқлар логистикаси аниқлаган, Самарқанд вилояти болалар куп тармокли тиббиет марказига 2025 йил 5 апрелдаги № 59-4 буйруғи билан ва Хоразм вилояти болалар куп тармокли тиббиет марказига 2025 йил 10 апрелдаги № 107 буйруғи билан жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 20 июн 20-сон хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** эшитиш нуқсонини эрта аниқлашга ва реабилитация тадбирларини уз вақтида утказишга олиб келди. **Иқтисодий самарадорлиги:** эшитиш ва нутқни ривожланиши болаларни ижтимоий жамиятга қушди ва хар бир беморга хар бир ишлатилган долларга 1,67 доллар қайтиб келган ва келажакда хар йилига 4500 евро-доллар тежаб қолади. **Хулоса:** 1 бемор ҳисобидан йилига 54 млн сум тежаб қолинади, факаткина бир йиллик инвалидлик тулов 11 млн 40 сум хар бир бемордан тежалди;

туртинчи илмий янгилик: янги туғилган чақалоқларнинг эшитиш қобилияти скрининги методологиясини танлашда дифференциал ёндашувнинг фарқланиши аниқланди: бу отоакустик эмиссия маҳсулотини бузиб кўрсатиш усули бўлиб, бирламчи скрининг учун мос усул эканлиги билан аниқланади, чунки у 98,3% сезгирлик, 98,4% ўзига хослик ва 99,99% салбий натижанинг прогностик аҳамиятига исботланган, Самарқанд вилояти болалар куп тармокли тиббиет марказига 2025 йил 5 апрелдаги № 59-4 буйруғи билан ва Хоразм вилояти болалар куп тармокли тиббиет марказига 2025 йил 10 апрелдаги № 107 буйруғи билан жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 20 июн 20-сон хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** бу эса эшитиш нуқсонини тугри аниқлашга ва реабилитация тадбирларини уз вақтида утказишга олиб келди. **Иқтисодий самарадорлиги:** эшитиш ва нутқни ривожланиши болаларни ижтимоий жамиятга қушди ва хар бир беморга хар

бир ишлатилган долларга 1,67 доллар қайтиб келган ва келажакда хар йилига 4500 евро-доллар тежаб қолади. **Хулоса:** 1 бемор ҳисобидан йилига 54 млн сум тежаб қолинади, факаткина бир йиллик инвалидлик тулов 11 млн 40 сум хар бир бемордан тежалди;

бешинчи илмий янгилик: янги туғилган чақалоқлар эшитиш қобилиятининг универсал скрининги учун биринчи марта янги туғилган чақалоқларни рақамли идентификациялашнинг ҳимояланган ноёб тизими яратилган, Самарқанд вилояти болалар куп тармокли тиббиет марказига 2025 йил 5 апрелдаги № 59-4 буйруғи билан ва Хоразм вилояти болалар куп тармокли тиббиет марказига 2025 йил 10 апрелдаги № 107 буйруғи билан жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 20 июн 20-сон хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** тадқиқот натижалари асосида барча янги туғилган чақалоқларни тўлиқ қамраб олиш ва скринингнинг универсаллигини таъминлаш орқали эшитиш қобилиятида нуқсонни бор болалар реестрини юритиш учун зарур шароитлар яратилади. **Иқтисодий самарадорлиги:** эшитиш ва нуткни нуқсонни бор болаларни қамайтириб берди хар бир беморга хар бир ишлатилган долларга 1,67 доллар қайтиб келган ва келажакда хар йилига 4500 евро-доллар тежаб қолади. **Хулоса:** 1 бемор ҳисобидан йилига 54 млн сум тежаб қолинади, факаткина бир йиллик инвалидлик тулов 11 млн 40 сум хар бир бемордан тежалди;

олтинчи илмий янгилик: биринчи марта янги туғилган чақалоқларнинг эшитиш қобилиятини универсал скринингдан ўтказиш бўйича республиканинг барча ҳудудларида мутахассисларни тайёрлаш тизими ишлаб чиқилган, Самарқанд вилояти болалар куп тармокли тиббиет марказига 2025 йил 5 апрелдаги № 59-4 буйруғи билан ва Хоразм вилояти болалар куп тармокли тиббиет марказига 2025 йил 10 апрелдаги № 107 буйруғи билан жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 20 июн 20-сон хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** диагностика қилиш ва прогнозлаш сифатини яхшилаш, таъхисни ўз вақтида тасдиқлаш ва эшитиш қобилиятини тўлиқ абилитация қилиш орқали юқори малакали ёрдам кўрсатишга имкон берган. **Иқтисодий самарадорлиги:** эшитиш ва нуткни ривожланиши болаларни ижтимоий жамиятга қушди ва хар бир беморга хар бир ишлатилган долларга 1,67 доллар қайтиб келган ва келажакда хар йилига 4500 евро-доллар тежаб қолади. **Хулоса:** 1 бемор ҳисобидан йилига 54 млн сум тежаб қолинади, факаткина бир йиллик инвалидлик тулов 11 млн 40 сум хар бир бемордан тежалди;

еттинчи илмий янгилик: илк бор ўтказилган тадқиқотлар асосида аниқландики, ишлаб чиқилган мослаштирилган универсал эшитиш скрининги дастури бола ҳаётининг илк 3 ойи давомида тўлиқ аудиологик диагностикадан ўтказиб ва 6 ойлик даврдан реабилитация босқичларини бошладик, ҳамда кохлеар имплантация амалиётини 1 ёшгача бажаришга

имкон килдик ва боланинг психологик-нутқий ривожланишини физиологик ёшига мос равишда таъминлаш имконини яратган, Самарқанд вилояти болалар куп тармокли тиббиет марказига 2025 йил 5 апрелдаги № 59-4 буйруғи билан ва Хоразм вилояти болалар куп тармокли тиббиет марказига 2025 йил 10 апрелдаги № 107 буйруғи билан жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 20 июн 20-сон хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** яратилган дастур эшитиш нуқсонига эга болаларда эшитиш ва нутқнинг ўз вақтида, физиологик ёшга мос ривожланишига хизмат қилди. **Иқтисодий самарадорлиги:** эшитиш ва нутқни ривожланмаслик нуқсонни олдини олиш чоралари инвалидлик ҳолатларининг камайишига олиб келди ва хар бир беморга хар бир ишлатилган долларга 1,67 доллар қайтиб келган ва келажакда хар йилига 4500 евро-доллар тежаб қолади. **Хулоса:** 1 бемор ҳисобидан йилига 54 млн сум тежаб қолинади, факаткина бир йиллик инвалидлик тулов 11 млн 40 сум хар бир бемордан тежалади.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

